

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ «UZSALAMAN»  
ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Хурматли акциядорлар!**

«UZSALAMAN» АЖ ҚК (кейинги ўринларда Жамият) Акциядорлар умумий йиғилишининг 2021 йил 02 мартдаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 2310,3171 сўмлик 1 000 000 дона оддий акцияларни чиқарилиши Капитал бозорини ривожлантириш Агентлигининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2021 йил 16 март М0299 – 5 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2021 йил 18 февраль ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар **2311** сўм нархда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Жамият акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A/1\ 632\ 680\ 301,72 = B$$

$$1\ 000\ 000 * B = C$$

**Шунда:**

**1 632 680 301,72 – Жамият устав капиталидаги умумий акциялар сони**

**1 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони**

**A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги акциялари сони**

**B – Жамият устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони**

**C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони**

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: +998 91 128 70 72.**